

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «13» 6

2022-1561-1-22-ТВ-

сон

Пайтуз \_\_\_\_\_ ш.

Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси(кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом асосида ҳаракат қилувчи А. Абдужабборов бир томондан, кейинги уринда “Пудратчи” деб юритилувчи «ASL MEGA SHAMS» MCHJ номидан низом асосида иш кўрувчи раҳбари С.Корабоев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топширигига асосан буюртмачининг биноларини жорий таъмирлаш ишларни бажариш мажбуриятини , Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси 117800000 (Бир юз ўн етти миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига қуйидагиларни олади.

2.3. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сўнги баҳо Пудратчи тақдим этган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3бандида белгиланган тартибда қопланади.

## 3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов олдиндан 30% амалга оширилади:

3.2. Тўлов шакли: пул утказиш йули билан.

3.3. Шартнома бўйича сўнги ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнг, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда, 30 банк иш кунидан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАР

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради

4.2. Буюртмачи 30 кун қуйидаги муддатларда Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди:

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:

Бошланиши – 2022 йил 15 июнь

Тугаши – 2022 йил 31 декабрь

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

-ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиҳа ҳужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

-лойиҳага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, олборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

-ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

-ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташиқлотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

-қурилиш майдончасида техника ва ёнгин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

-қурилиш объектларининг сугурта қилинишини таъминлаш;

-қурилиш тугалланган объектларни қабул қилиш

-далолатномаси имзолангандан кейин 5 кунлик муддатда қурилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

## 5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

-ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

-шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш; -Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб

2 ҳафта ичида объектни қабул қилиб олиш.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни тулайди.

6.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, «Пудратчи» томонидан ишлар бажарилгандан сунг «Буюртмачи» уз вақтида пулини утказиб бермаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.3. «Пудратчи» объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бажармаганлик учун «Буюртмачи»га мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизи миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

«Буюртмачи» ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзага келса, бажарилган ишлар ҳисобидан «Пудратчи»га амалга оширилиши лозим булган туловлар ҳисобидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

## 7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарлиҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмайётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришига таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 1 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришинома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар узаро ҳал эта олмасалар улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан қуриб чиқилади.

### 9. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:

Пудратчи:

Номи «ASL MEGA SHAMS» МСНҲ

Манзил Избоскан т


Тел: 998981902090 Банк

Ипотекабанк Истиклол ф х/р:

20208000505113401001 МФО:

00068 ИНН: 306653045

Раҳбар \_\_\_\_\_ С.Корабоев



Буюртмачи: ф

Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси

Манзил Пойтуғ ш Шифокорлар к 1

Ш.х/в: 401722860032147073102054001

Ш.х/в: \_\_\_\_\_

ИНН: 200271386 МФО: 00014

УзР Молия Вазирлиги Газначилиги

Раҳбар \_\_\_\_\_

Дона Қазна

М.Б.С.К.М. Тошкент шаҳри

М.Б.С.К.М. Тошкент шаҳри

М.Б.С.К.М. Тошкент шаҳри

М.Б.С.К.М. Тошкент шаҳри

М.Б.С.К.М. Тошкент шаҳри



ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ХУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН  
ХУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

№ ЈХ83506164

1. Лойиҳанинг тури: Фуқаролик шартнома
2. Лойиҳанинг номи: Пудрат шартномаси.
3. Буйруқ лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:  
Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 2022-йил 10 июнь куни ишлаб  
чиқилган ва дастурга киритилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни  
қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Юридик хизмат кўрсатиш маркази  
Бош юрисконсулти



А.Зухридинов

10.06.2022